



ПОКИСТОН МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

28 йил муқаддам 1947 йил 14 августда Покистон халқи мустақил асосидан кутилиб, сиёсий мустақилликка эришди ва мустақил тараққиёт йўлига чиқиб олди. 1956 йил 23 мартда эса Покистон Ислом Республикаси деб эълон қилинди.

Иккинчи дунёдан олти давом этиб келган мустақилликнинг оқибатида, ярим оролининг иккинчи қисми бўлиб юборилиши натижасида Покистон тарихий ҳисобидан қийинчиликларга дуч келди. Бундан ташқари, Англия ва Америка империалистларининг Шарқдаги плацдармига айланиб қолганлиги сабабли тарихий ҳаракатлар сарфлашга тўғри келди, бу мамлакат экономикасини ривожлантиришда тарихий бўлди. Мамлакат экономикасида қишлоқ хўжалиги асосий ўрин эгаллаб, ҳолнинг 80 проценти деҳқончилик билан шугулланади. Мамлакатда асосан шол, буғдой, жут ва пахта экинлади. Покистон жут ишлаб чиқаришда капиталистик давлатлар орасида биринчи, пахта етиштиришда олтинчи ўринни эгаллайди.

Покистон саноати жуда кучсиз бўлиб, кўпроқ енгил саноат ривожланган. Мамлакатдаги илм-газлама, жут буюмлари, озиқ-овқат, кўн ва шу каби енгил саноат тармоқлари асосан Карачи, Лоҳур, Мултон ва Хайдаробод каби ирри шаҳарларда жойлашган.

Ленинча тинч-тотув яшаш принципларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи қўшни мамлакатлар билан тўла тенг ҳуқуқлиги ва бир-бирини ҳурматлаш асосида ўзаро муносабатларни ривожлантириш

тарафлари бўлиб келди. СССР билан Покистон ўртасида тузилган савдо алоқалари ҳам ана шундай ўзаро манфаатдорликка асосланган. Совет Иттифоқи Покистоннинг ривожланган саноати эҳтиёжларини ҳисобга олиб, 1956 йилда Покистонга саноат қўмақлари, жумладан, пулат етказиб бериш тўғрисида битим тузди. Покистон ҳукуматининг фойдали қазилмаларни қидириб топиш соҳасида ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосига мувофиқ 1961 йил 4 мартда Карачида нефть қидириш ва разведка қилиш бўйича Совет-Покистон битим имзоланди. Бу битимга мувофиқ, СССР Покистонга 12 йил муддатга 30 миллион доллар кредит берди ва қўшни мамлакатга мутахассислар юборди. Шу билан бирга қидирув ишларини давом эттириш учун беш йил ичида покистонликлардан кадрлар тайёрлаб бериш мажбуриятини олди.

Сўнгги йилларда ҳар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар мустақамланди. 1963 йилда имзоланган савдо битимлари, шунингдек 1963 йил денабрийдан бошлаб СССР билан Покистон ўртасида мунтазам ҳаво йўли очил тўғрисидаги битим ўзаро иқтисодий алоқаларни янада мустақамлади. Покистон президенти Аюбхон 1965 йил апрелда СССРда бўлган вақтда имзоланган 1965—1966 йилларда ҳар икки давлат ўртасидаги товар айланиш ҳақидаги битим ҳам Совет Иттифоқи билан Покистоннинг иқтисодий ҳамкорлигини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

1966 йил январда СССР билан Покистон ўртасида янги савдо битими тузилди. Бу битимга мувофиқ ҳар икки давлат ўртасидаги савдо ҳамжи уч баробар кўлайди.

Совет Иттифоқи билан Покистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустақамлаш ишига социалистик Ўзбекистон ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Покистон республикасида чигит энадиган селлакалар, кўприк қирғиқлари, тўқима чилин ускуналари, транпорлар ва шу каби бошқа саноат маҳсулотлари сотиб олмақда.

Ҳиндистон—Покистон конфликтини бартараф қилишга ўз ҳолсиз хизматини таъкиф қилган СССР Ҳукуматининг олижаноб ташаббуси Покистон—Совет муносабатларининг ривожланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Социалистик Ўзбекистон пойтахти Тошкентда имзоланган тарихий Декларация Ҳиндистон ва Покистонга барча низоли масалаларни тинч ҳал қилиш йўлини очиб берди.

Совет Иттифоқи ўзининг жанубдаги қўшниси Покистон республикасида ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Совет—Покистон иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари кундан-кунга муваффақиятли ривожланмоқда. Дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини Совет ва Покистон халқлари манфаатлари йўлида янада ривожлантириш учун барча имкониятлар бор.

Т. ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси шароитидаги илмий ходими.

БАТАНПАРВАРЛАР ҲАРАКАТИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Жанубий Вьетнам батанпарварлари Куанггай виллоятининг шимолий қисмига қўнган Америка вертолётига ҳужум қилдилар.

Рейтер агентлиги мухбирининг Сайгондан хабар беришича, икки ўртадаги жанг натижасида Американинг ҳарбий хизматчиларидан 11 киши ўлдирилган ва 22 киши ярадор қилинган.

ОСМОН ҚАРОҚЧИСИ УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. Вьетнам Демократик Республикасининг ҳаво ҳужумидан муҳофаа жангчилари 9 августда Американинг яна бир самолётини уриб туширдилар. Самолётдан парашют билан ўзини ташлаган учувчи асир қилиб олинди.

Вьетнам Демократик Республикаси устида уриб туширилган Америка самолётларининг умумий сони 2.159 тага етди. (ТАСС).

ҲУЖУМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ХАНОЙ. (ТАСС). Америка самолётлари Вьетнам Демократик Республикасининг территориясини ваҳшийларча бомбардирмон қилишга давом эттириб, яна Ханойга жуда яқин жойларда пайдо бўла бошлади. Бугун пойтахтда бир неча марта ҳаво тревогаси эълон қилинди. Шаҳар аҳолиси оқошталди ва сабот-матонат билан ҳаракат қилмоқда.

БРАЗИЛИЯДА ЯНГИ СУД МАЖЛИСИ

ГАВАНА. Бразилия ҳарбий трибунали собиқ депутатлар Лоренс Бризольа, Нейзи Морейра ва Мексела Коста, Алдо Арандес ва сиёсий ташкилотларнинг бошқа раҳбарлари устидан янги суд мажлисини бошлади.

Пренса Латина агентлигининг хабар беришича, суд қилинаётган бу кишиларни ҳозирги ҳарбий ҳукуматга нисбатан оппозицияда бўлган «халқ озодлиги fronti»ни тузишга уринишда айблamoқдалар. (ТАСС).

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БАМАКО. Мали Республикаси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини нишонлаш учун тайёргарлик

қўймоқда. Судан иттифоқи партиясининг сиёсий бюроси ана шу шонли санани байрам қилиш программасини кўриб чиқди. (ТАСС).

АВТОМОБИЛЬ САНОАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

ТОКИО. (ТАСС). Япония шундан олти йил охирида автомобиль ишлаб чиқариш соҳасида Германия ва Англиядан ўзиб кетиб, АҚШ дан кейин иккинчи ўринни олди.

Шу йилнинг олти ойи мобайнида Япониядаги автомобиль заводларида бир миллион тўрт юз эллик минг автомобиль ишлаб чиқарилиди, деб хабар беради «Йомияри» газетаси.



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ

ТЕЗИСЛАРИ — ОММАГА

ЮК

«Ҳозирги вақтда ишчиларнинг 50 проценти яқини тўла ва тўлиқсиз ўрта маълумотга эга» (КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги» тезисларидан).

Келажакни олдиндан ҳамма билвермайдми. Герберт Уэллс машиналарга асосланган даврни кўз олдига келтирар экан, ундаги ишчилар синфини тўғри, ҳоким синфларнинг қўрсатмаларини суёсиз бажарувчи эзилган қуллардек кўрди. Россияда 1917 йилдаги пролетар революцияси галабасигага хатто етарли ақл эгаси бўлган кишилар, жумладан Георгий Гейне социал тўғрисида натижада ҳокимият тасвирга келадиган эзилган, аммо кам илмий синфлар вақтида подполлик таъна қилади, маданият, билим даражаси камайди, деб ёзишган. Ҳатто ўзларини марксистлар деб билган баъзилар меҳнаткашлар орасида саводсизлар ва камсаводлиқларни кўп бўлган Россияда революциянинг галаба қилишини мумкин эмас, деб ҳисоблаганлар.

Аввало, ишчилар синфини, ҳақини билимли қилиш,

сўйгра революцияни амалга ошириш керак,— деб ҳисоблаганлар улар.

Аввал пролетар революцияси, ундан сўнг эса оммани тез суръатлар билан билимли қилиш,— таъкидлади Ленин, Коммунистлар партияси.

Ярим аср бу муҳим принципал тортинишда кимнинг ҳақлигини аққол кўрсатди. Агар большевиклар ҳоким синфлар ишчилар ва деҳқонларни «билимли» қилишларни кутиб ўтиришса, ҳозир жаҳон қандай кўринишда бўлур эди?!

Аммо большевиклар уни кутиб ўтиришмади. Ленин партияси раҳбарлигида социал революцияни амалга оширган рус ишчилар синфи Октябрьдан сўнг бошланган ва узок давом этган маданий революция жараёни— жаҳон маданияти бойликларини ўрганиш ва янги маданий бойликлар яратиш жараёнига ҳам бошчилик қилди. Ҳаммага маълумки, маданий революцияни амалга оширишда бошлангич тўғри келди. Саводсизлик ва чала саводчилиқни тутатин юзасидан бошланган маданий юрналиш миллионлаб кишилар катташди. Катталар учун мактаблар, ишчилар факультетлари очилди. Театр ва кино, рассомлар ва артистлар, ёзувчилар ва олимлар

Мамлакатимизда маданий революциянинг жуда катта ижобий натижа берганлигини кўрсатиш учун КПСС Марказий Комитети Тезисларида келтирилган қуйидаги рақамни кўрсатиш мумкин: эндиликда барча совет ишчиларининг 50 проценти яқини тўла ва тўлиқсиз ўрта маълумот эгасидир. Бу рақам совет жамиятида ярим аср давомида содир бўлган чуқур ўзгаришларнинг тасвиридир.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ ишчилардан чиққан, қўллари чала саводли, аммо бекёёс ҳаётий тажриба, аниқ синфий дид эгаси бўлган ишчилар директoрлар кам сонли мутахассисларнинг техник тажрибасидан фойдаланиб, ишчилар оммасининг гайрат-шижоатига суянган ҳолда қисқа муддат ичида издан чиққан халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ишга солиб юборишнинг узда-сидан чиқдилар. Улар ҳаёт мактабини ўтаган талантли кишилар эди! Индустриаллаштириш бошлангич беш йилликлар бошлангич син билан эса совет ишчилар синфи шу вақтгача тарихда қўрилмаган ижодий яратувчилар

қаторларидан атоқли техника арбоблари етиштирди. Тормоз ихтироچиси Казанцев, кон комбайнини яратувчи Бахмутский, жаҳонда биринчи бўлиб поток линияни кашф этган Иночкин ва бошқалар шулар жумласидандир. 30-йилларнинг ўрталарида шахтёр Алексей Стаханов меҳнат унумдорлиги, норма, иложи бор ёки иложи йўқ ишлар ҳақидаги тушунчани тамомла ўзгартариб юборган ҳаракатга асос солди.

Ҳар бир ишчи ўн кишининг юмушини қилди ва айни вақтда ўқиди. Кечки мактабларда, сиртки ва кечки техникум ханди институтларда билим ола бошладилар. Улар ўрта ёшли кишилар эди. Ёшлар эса корхоналарга асосан умумий таълим мактабларидан келдилар. Мамлакатда тўрт йиллик, сўйгра эса етти йиллик маълумот олиш мажбурий қилиб қўйилди. Ишчилар синфи сафига қўшилган ёшлар мажбурий мактаб курсини тугатгандан сўнг меҳнат қила бошладилар. Тўғри, ёшларнинг маълум қисми ҳунар-техника таълими системасида билим ол

нар-техника билим юртларида фақат техника билимларини ўргатдилар. Ҳунар билимни ўргатиш системасида умумий таълим билимлари бериш аста-секин орта борди. Бу система 16 миллиондан кўпроқ малакали ишчилар тайёрлаб берди. Ҳозир ҳунар-техника мактабларидан ташқари ўрта мактабнинг 9—10 синфлари программасини ҳам эгалламоқдалар.

Бу беш йилликда бутун мамлакатда мажбурий ўрта таълим жорий қилинди. Бу ишчилар синфи сафига юксак билимли кишилар сон янада кўпайишдан далолат беради.

Советлар мамлакатида маданий революция ортидан илмий-техника революцияси амалга ошмоқда. Фан тобора бевосита ишлаб чиқариш кучи бўлиб борапти. Замонавий корхона, миллионларнинг самарали меҳнати илмий асоссиз бўлиши мумкин эмас. Техника революцияси — бу ишлаб чиқаришнинг тобора кўпроқ автоматлар, поток линиялари, ҳисоблаш-ечиш қурил

ларининг капиталистик системасида ва замонавий корхонада ишчи меҳнатини жуда ҳам оддий автоматларни бошқариш бўйича бир хил ҳаракатлар қилишдан иборат этиб қўйиш мумкин. Лекин социалистик ишлаб чиқаришда бош фигура ишчи—созловчи, механик, ишлаб чиқариш жараёндарининг раҳбаридир. Шунинг учун ҳам СССРда ишчиларнинг ана шу категорияси бошқаларга қараганда тез кўпаймоқда. Агар 1965 йилда мамлакатимизда ишчилар ва хизматчилар сони 1913 йилдагига қараганда салкам олти баравар ошган бўлса, металлчиларнинг анча малакали гуруҳлари-асобсозлар, механиклар сони бундан қисқарок муддатда — 1926 йилдан 1959 йилга — 21—23 баравар, созловчилар сафи эса 65 баравар ортиди.

Совет корхоналарида биринчи навбаста махсус тайёргарликни талаб қилувчи, электроника, автоматика, олий математика билимларини билишни тақозо этувчи касблар кенгаймоқда. Қатор ишлаб чиқаришларда

қўн қолларда ишчи билан инженер меҳнати ўртасидаги тафовутни ажратиб бўлмайди. Маркс ва Энгельснинг олдиндан башорат қилиб айтган ана шу фикри воқеликка айланмоқда.

Пролетар революцияси галабасидан сўнг эндигина ярим аср ўтди. Шу давр ичида Советлар мамлакатида тамомла янги ишчилар синфи ташкил топди. У революцион пролетариатнинг унинг фидокорлиги, коллективизми, барча меҳнаткаш синфлар ҳаракатида раҳбарлик қилиш, унинг интернационалиزمини ўзида янги муҳим фазилатларини тарбиялади, техника ва гуманитар маданиятнинг билувчи билимли кишилар синфи бўлиб қолди. Ана шундан фазилатли синф кишилик тарихида ҳали бўлмаган эди. Бу синф тарихининг ҳозирги даврида ҳам Совет жамиятининг етакчи кучи бўлиб қолмоқда.

Илья АГРАНОВСКИЙ,
АПН шарҳчиси.

Я Н Г И Ш Е Ё Р Л А Р

ЙУЛДА

Биз йўлдамиз,
Ҳамниша йўлда,
Биримиз тоғ,
Биримиз чўлда.
Иккинчимиз қўриқда-бўзда.
Учинчимиз
Баланд космосда.
Кимдир кезар олос манзилда.
Хуллас, ҳар вақт йўлдамиз,
Йўлда!

Хоҳ тун бўлсин,
оқшом,
субҳидам,
Хоҳ поёзда,
отда,
пнёда

Тиним билмай йўл юриб одам
Ороусига етар дунёда.

ҚАЙНАР

Дўстим, сира ичдингми сув
Қайнарбулоқдан.
Қатралари қумуш-ижу
Мармар булоқдан.
Қайнарбулоқ жилвасига
Назар солгинчи,
Отлади тоғ пастига,
Йўқ бир дам тинчи.
Қайнарбулоқ ер қаъридан
Сизиб чиқади.
Харсанглариноқ қоқ бағридан
Кесиб чиқади.
Қайнарбулоқ тевараги
Ям-яшил ўтлоқ.
Бунда булбул куй, эртаги
Ҳамиша янғроқ.
Еи-вериди югуришиб
Елар кийиклар.
Сув ичгани нурдай учиб
Келар кийиклар.
Кимки итча бирор ҳовуч
Ушбу чашмалар.
Гард-губори қолмайди ҳеч,
Яйрайди бадан.

Хайридин Салоҳ

Август, 1967 йил.
Сўқоқ — Тошкент.

Рўзи ҚОДИРИЙ

ҲАР САҲАР,
ҲАР КЕЧ

Эй, ҳазондан нари бўстон, гулистон,
Сендан кўз узолмай, узолмай экинор.
Сен учун ёсам оз қанчалаб дoston,
Сенга шайдолингиз этаман изхор.
Қўрмадим сенга тенг кўхлик маконий.
Қўрмадим сенсимон гулларга ошён,
Сенга айтмоқдаман дилим фармоний.
Ҳар гунча, ҳар гулинг нозик, жилогар,
Боқаман тўймасдан, тўқийман қўшиқ.
Кучогингиз бир зум қўрмасам агар,
Юз йил қўрмагандан соғинчим ортқ.
Сендадир ранг-баранг гуллар сараси,
Сендадир табассум тўла раънолар,
Сендадир офтобнинг илк чехраси,
Сендадир кулгуси битмас барнолар.
Қалбимда ишқ-ҳавас уйғотувчи сен,
Қўнглим май симирар чечакларингдан.
Хуморимни ёзиб яратувчи сен,
Қўзим қониш олар безакларингдан.
Мен бир гулпарастман аввалу охир,
Қўрку нафосатсиз яшолмайман ҳеч.
Шайдолинг бўлибман, бўлибман асир,
Сенинг мафтунингман ҳар саҳар, ҳар кеч.

КАМОЛОТ

Эй, боғлар боғбони, етук соҳиб,
Тоғларинг тагин сийр этдим, яйрадим.
Қўрмадим сен каби гўзал, мард, саҳий,
Сенга чексиз севиш айи айладим.
Юрагим фармони айтиб берайин,
Тингла қалб индосин, қулоқ тик дилбар.
Енингда бир нафас бирга юрайин,
Жаннатинг ҳақида сўйла эй қамар!
Қайга борсам ўзинг қамф этган бўстон,
Чегига кўз етмас, уфққа туташ.
Бағрида қўшлар куй янғатар шодон,
Устидан чарақлаб айланар қуёш.
Бирдан-бири зўр, поёнсиз боғ-роғ,
Ўртада Зарафшон, Аму, Норин, Сир.
Еқасда ақлинг яратган чирок,—
Энеси офтоб-ла бахслашиб бақир.
Қўрмоқдаман боғинг узра нафосат,
Беқисс латофат, жозибани ҳам.
Қўрмоқдаман ҳар бир гулда назокат,
Бариди меҳнатинг, зехнинг мўжассам.
Кезгим келур боғинг кезганим сайин,
Қарайман дол-хайрон, узолман нигоҳ,
Юлгани сийпалаб кучар ел майин,
Боғинг атрофидан кетолмай асло!
Қувонч денгизда сузаётирман,
Қуёшдай мунаввар чехрангиз қўриб.
Сенга ҳос дил гулин тизаётирман,
Бу юрт гулзорларин оралаб юриб.

СЎНГГИ НУСХА

ИНТЕРМЕДИЯ

(Оёғига игна кирган бемор провотда ниқиллаб ётибди).

БЕМОР — «Тез ёрдам»ни чақир-
ганимга мана уч-тўрт соат бўлди,
хали дарағи йўқ. (Оёғини ушлаб)
Вой! вой, вой. Тоза санҷайоти-ку,
Бори-бори игна оёққа ҳам кира-
дим-я.

(Сўфитахлид, сертазним фельдшер киради)

ФЕЛЬДШЕР — Ассалому-
алайкум. Бахайр-бахайр?

БЕМОР — Оёққа игна кириб
кетди доктор, игна.
ФЕЛЬДШЕР — Бай-бай-бай...
Энди нима қилдик? Худо сақла-
син, сира игна киргудек қилмасин.

БЕМОР — Игна кириб бўлган,

доктор. Қўрсангизчи ахир.
ФЕЛЬДШЕР — Энди нима қил-
дик-а? Фалокат-да, фалокат. Ик-
кинчи томондан суқ. Тўхтанг! (Бе-
морга қаттиқ термилди). Ҳа, айт-
мадимми? Кинна кирган сизга,
суқсурсдай йиғит экансиз, кинна ки-
ради-да. Ҳай, мен сизга айтсам,
ҳечкимга айтмангиз, кинна бор
нарс. Бунга қўшлар ишонимайди-
ю, сиз ишонинг. Кинна-пинна
қилдириб юборинг. Бу кишлоқда
кинначи кампир бордир-а?

БЕМОР — Вой, докторей, ҳо-

зирги вақтда кинначи қолдимми?
ФЕЛЬДШЕР — Кинначилик
унча қилин иш эмас. У менинг ҳам
қўлимдан келади. Агар хоҳласан-
гиз...

БЕМОР (Фельдшерга хайрон
бўлиб қарайди) Ҳа, кинначига ҳам
ўхшайсиз. Кинна билан оёғимдаги
игна чиқиб кетармикин-а?

ФЕЛЬДШЕР — Ҳа, чиқиб ке-
тади. Игна чиқиб кетмаса ҳам кин-
на чиқиб кетади. Бугундаги оғир
лардан худонинг ўз асрайди.

БЕМОР — Яна қанақа оғир

лард?
ФЕЛЬДШЕР — Оёққа игна
кириб деясиз-ку. Бай-бай-бай...
Энди нима қилмасиз? Ҳай-ҳай, бун-
дан оғир дард борми? Бундан ху-
дони ўзи сақламаса, банданинг
қўлидан ҳеч иш келмайди. Мен
бир фельдшерман. Ўғини билмай-
ман-ку, ҳозир касалхонага олиб
борсам докторлар игнани топади,
ё тополмайди. Тополмаса ишқал.
Оёғингизни шартта кесиб ташлай-
ди. Ҳа, кесди. Шунинг учун бор-
маганингиз маъқул.

БЕМОР — Ҳай, сиз нима деяс-

из ўзи? Кичкинагина игна учун-
а?

ФЕЛЬДШЕР — Игна кирган
оёғингиз заҳарланди. Энди у оёқ
— оёқ бўлмайди. Хм... Кани, оё-
ғингизни бир қўрайчи. Игна қў-
ринмайлти-ку. Энди нима қилмасиз?
Игна баданга юради дейишди, ха-
ли у милятига чиқиб кетган бўл-
са-я.

БЕМОР — Ҳай, доктор, нима-

лар деясиз?
ФЕЛЬДШЕР — Энди мен бир
фельдшерман, у ёғини билмайман.
Ҳа, миляга чиқиб кетиши ҳам мум-

кин. Миляга чиқиб кетган бўлса

ҳам иш қилиб кўзга келиб санҷил-
маса бўлган. Одам кўр бўлади-я.

БЕМОР — Энди нима бўлади?

ФЕЛЬДШЕР — Энди мен бир
фельдшерман, у ёғини билмайман.
Фақат дуо билан игнани миляга кет-
мазми қайтариб туришим мум-
кин. Бунинг учун садақа керак,
садақа: (Беморнинг қўлига қарай-
ди. Бемор унга тикилади).

БЕМОР — Ҳай, сиз Найман
кишлоғидаги Тепақўрғон маҷити-
нинг сўписи Маҳсим ана эмасми-
сиз?

ФЕЛЬДШЕР — Танидингиз-
ми-а? Худога шукр, худди ўша
Маҳсим анағиз бўлман. Масъит
беркилгандан кейин худо ўзи ер
бўлиб бир ошман мени касалхона-
га қоруваликка олди. Ошман

«Фельдшерлигини ўрганиб олдинг»
деб, баъзи фельдшерларга қў-
шиб, касалларни кўргани юбо-
радиган ҳам бўлди. Шундай қи-
либ, кўзим анча пишиб қолди.

мана, каминангизни ўзлари
ҳам юрадиган бўдилар. Унча му-
ҳам касални дори биланми, дуо би-
ланми даволаш қўлимиздан кела-
верди-ку, энди мана — бу игнага
хайронман.

БЕМОР — Мен ҳам хайронман.
«Тез ёрдам» деб сиздек бир ваҳи-
мани юборган «Тез ёрдамга» хай-
ронман. Бемор бир амаллаб ўр-
нидан туриб фельдшерга ақилла-
шади. Фельдшер қўриб, ундан
узоқлашади.

ФЕЛЬДШЕР — Игнага хайрон-

ман...
БЕМОР — Сендек «Тез ёр-
дам» фельдшерга хайронман. (Ўни
ўйдан қувиб чиқаради).

Ўткир РАШИД.

Редактор ўринбосари
Т. РАСУЛЕВ.Реклама
ВА Жёлтлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55 — Эшитти-
ришлар программаси, 11.00 —
Кўнгоқ одамчалар клуби (болалар
учун кўтирчоқ фильми), 11.25 —
Юлдузча (тележурнал), 12.00 —
Рус саҳнасининг чайнаси (теле-
фильм).

Ўзбек тилида: 13.10 — Комсо.

молдан ўрнат ол (болалар учун),
13.40 — Жура (бадий фильм).

Рус тилида: 16.55 — Эшитти.

ришлар программаси, 17.00 —
Кўнгоқ одамчалар клуби (болалар
учун кўтирчоқ фильми), 17.25 —
Телеингилликлар.

Ўзбек тилида: 17.40 — Ҳар бир

ишнинг бурчи (хунжакли
фильм), 18.00 — «Пахтанор» ста-
ндонидан репортаж (шаҳарлар
барпо этабганлар учун), 21.00 —
Ҳазилон ишнинг (Ешлин) ету-
диси, 21.30 — Телеингилликлар,
22.05 — Ўзбек кўйлар.

НИКНИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 даи — Москва нурсади.
УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 даи — Фрунзе телестудия.
си нурсади.

ТЕАТР

МУКМИН НОМЛИ ТЕАТРДА —

13/VIII да Гавҳари шамчироқ,
14/VIII да Икки билагузук.

К И Н О

КИШИКИ БИНОДА

Морисвилл қалъасидаги шарпа
— «ЎЗБЕКСТОН 25 ЙИЛЛИГИ»,
«КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кун-
дуз ва кечурун).

Қирол қайиқчилари (кеч соат 8

ва 10 да), Учинчи қасам (кундуз
ва кечурун) — «ЧАЙНА».

Ҳийла-найранг — «ЎЗБЕКИС-

ТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кеч,
кўрун).

Қирувчилар — СОБИР РАҲИ.

МОВ номли (ортаб соат 10, кун-
дуз 12, кеч 8 ва 10 да), «ДРУЖБА»
(кундуз ва кечурун).

Тасвир — «МОСКВА» (кундуз ва

кечурун).
Балиқ, ҳамшира! (кеч соат 8-30
минутда ва 10 да), Доворанлар
рейд (кундуз ва кечурун) — НА-
БОИП номли.

Ўзбекистон Компартияси Мар-

казий Комитети бйлашган на-
шриятнинг босмаҳонаси. Тошкент
шаҳри.

Р. 02004.

Илдес 64970

А. 1722.

ҲАВАСКОРЛАР

Москвада цирк номерлари кўри-
ги лауреатлари ва дипломатлари-
нинг ақуловчи томошалари бўлиб
ўтди. Бу томошалар Совет ҳоким-
иятининг 50 йиллигига бағишлан-
ган ҳаваскорлик санъати Бутун-
иттифоқ фестивали программасига
киритилган эди.

Бир ҳафта мобайнида Москва
дирки аренасида гимнастикачилар,
акробатлар, жонглерлар, велофигу-
ристлар, эксцентриклар, қизиқчи-
лар, чавандозлар бирин-кетин ўз
маҳоратларини намойиш қилишди.
Цирк санъати шинавандалари Ва-
танимиз шаҳарларидан келган ҳа-
васкорлар санъатига юксак баҳо
берилди. Аниқса, К. Очлов ва
А. Раинов (Тошкент шаҳар про-
фессинал техника билим юрти
клубидан)ларнинг жонглерлиги
москваликлари қўйла қолдирди.
Оғир тошларни эгичлик билан
уйнатувчи бу йигитлар зўр куч,
чаяқонлик кўрсатиб ҳақиқий маҳо-
ратларини намойиш қилдилар.
Уларнинг номерлари доимо томо-
шабинларнинг олдишига сазовор
бўлди.

Л. АПАРНИКОВ,

Москва шаҳри.

ФУТБОЛ

ИРОДА СИНОВИ

«Пахтанор» футболчиларининг «Нефтяник» (Бону) билан Тошкент.
да бўлган учрашуви ҳаёломли воқеаларга шу қадар бой бўлдини,
уни ишчибозлар узоқ вақт эслаб юрадилар. Бу уйин «Пахтанор»
футболчилари учун ирода кучига синов бўлди. Айтиш керакини, бу
синовдан тошкентликлар муваффақият билан ўтдилар. Улар икки
мартта жуда қийин аҳволда қолган эдилар. Меҳмонларнинг элчи
ҳужумчиси Анатолий Банишевский 9 ва 22-минутда ҳимоячилари,
мизни орқада қолдириб, иккита тўп урди. 34-минутда Г. Красниц-
кийнинг аниқ зарбаси туфайли орадаги фарқ иккитага келди. Банишев-
ский 55-минутда пахтанорчиларнинг аҳвали яна мушкуллашди. Банишев-
ский «Пахтанор» ҳимоячиси В. Штерни алдаб ўтиб, Ю. Пшеничнинов-
ни учинчи бор доғда қолдирди. Уйин тугашига оз вақт қолган бўлса
ҳам ҳамшаҳарларимиз учрашува ўзгартиш асар билдилар, ғайрат,
қўлини қўшмай, ўз кучларига ишонган ҳолда ўйнадилар, ғайрат,
шамолати бир лаҳза сусайтирмадилар. Бу ўринда ҳимоячи Сергей
Доценонинг ақиллигини таъинламай бўлмайди. У олдинги инти-
либ ҳужумчиларни қўллаб-қувватлаб турди. В. Бенитошев 70-минутда
хисобни 2:3 иккитага бўлса, 80-минутда Доценно урган чиройли тўп
билан мағлубиятдан қуттилиш мумкин бўлди.

Томонлар кучи биринчи дарадаги каби бу сафар ҳам тенг кел-
ди. Эҳтимол, энди бу нисала команданинг СССР кубоги чорам фина-
лидаги уйини орани очиб қилар. Шунинг учун ҳам кейинги ҳафта,
да Бонуда бўладиган бу учрашува натта кизиқиш туғдиришда.

Бу турда Москвада бўлган уйин — «Спартак» ва «Торпедо» учра-
шуви ҳам ишчибозларга озмунча қувонч келтирмади. Кейинги уйин-
ларда мағлубият нисалигини билмаётган «Спартак» кучли рақиб
устидан 6:2 хисобида натта галабага эришди. Бошқа учрашува нати-
жалари куйидагича: «Заря» — ЦСКА — 1:1; «Кайрат» — «Арат» —

0:2; «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Минси) — 1:1; «Черноморец» —
«Шахтёр» — 2:1; СКА — «Динамо» (Киев) — 0:0; «Торпедо» (Кутанси)
— «Зенит» — 3:0; «Динамо» (Москва) — «Локомотив» — 3:2.

Бугунга нелиб турнир жадвалида куйидагича аҳвол юз берди:

Командалар	У.	О.	Т.
«Динамо» М.	20	31	38—11
«Динамо» К.	20	27	24—9
«Динамо» Тб.	20	26	28—14
«Спартак»	20	26	27—16
«Шахтёр»	20	25	25—23
«Нефтяник»	20	23	33—20
«Динамо» Мн.	20	22	29—21
«Р. Советов»	19	21	12—8
«Торпедо» М.	20	20	23—25
СКА	20	20	19—24
«Заря»	20	18	14—16
ЦСКА	19	17	18—22
«Арат»	20	17	16—22
«Торпедо» Кт.	20	16	18—22
«Локомотив»	20	14	14—22
«Черноморец»	20	14	13—28
«Кайрат»	20	13	14—30
«Зенит»	20	12	14—38

«Пахтанор» навбатдаги уйинни Олмаотада 15 августда «Кайрат»

билан ўтказди.

С. МУСАЕВ.

— БАЛИҚ ОВИДА.

К. Алнев фотоси.